

бериб ёзадики, бу устоз таржимон меҳнатларининг эътирофидир.

М.Аҳмад таржималарига ҳам шу йўналишда муносабат билдиради, эркин ижодийлик, тушунилиши қийин мисраларни, бандларни қисқартиришлар таржималарнинг савиясини тушириб юборганлиги ҳақидаги Э.Очилов эътирозларида жон бор. Ҳар ҳолда, Э.Очиловнинг таржимашуносликка доир бу фикрлари таржимонлар учун ҳам амалий аҳамият касб этади. Таржимон кўп йиллик яқин тиллардан қилган таржималарида тўплаган тажрибалари асосида шу хулосага келгани аниқ. Олимнинг “таржима” билан “табдил” тўғрисидаги фикрлари, уларни бир хил маънода тушуниш, фарқини англамаслик хато эканлигини мисолларда тўғри кўрсатган. “Халқ учун” таржима китоби юқорида билдирилган фикрларга амалий далилдир.

Таржимада Бердакнинг бирор шеъри банди ёки мисраси тушириб қолдирилмаган, аксинча, олдинги таржимонлар қисқартирган асл нусхалар таржимада тикланган. Бердак шеърлари ҳақиқий маънодаги таржима, табдил эмас. Тўплам Э.Очиловнинг яқин тиллардан таржима қилиш соҳасидаги янги довони, Бердак шеърятининг янги таржималари билан ўзбек китобхонларини таништиришдаги навбатдаги улкан ютуғи, истиклол йилларидаги ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари ҳамда таржима санъатига қўшилган муносиб ҳисса.

Таржимани ҳар қанча мактамайлик, унинг жузъий камчиликларидан кўз юмсақ адолатдан бўлмас. Умуман, бадий таржимада, қайси жанрдаги асар бўлишига қарамасдан, асл нусхани тўлалигича, юз фоиз таржимада бериш амри маҳол, мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Жаҳон ва қардош халқлар адабиётидан ўзаро таржималарда бу фикримизга мисоллар етарли. Э.Очиловнинг мазкур таржимаси ҳам бундан мустасно эмас. Шеърлар таржимасида жузъий хатолар учраб туради. Мисоллар келтирамиз. “Кўринди” радибли шеърнинг асл нусхасида “Жер бети аядай маған коринди” деган мисра бор. Таржимада “Ер юзи кўзимга танг тор кўринди” деб берилган. “Аядай” сўзи теп текис, қўлнинг оясидай деган ибора ҳам бор. “Тор” сўзи “аядай”нинг маъносини беролмаса керак. Мазкур шеърдаги “Козлериме шенгел коринди” қаторининг “Кўзларимга бир теракзор кўринди” маънода

ўгирилгани ҳам, бизнингча, тўғри эмас. “Чангалзор” билан “теракзор”нинг қисман бўлса-да фарқи бор. “Нодон бўлма” шеърдан яна бир мисол. “Қошшы ертпей кейнине” деган сатр “Қолдириб гап сўз кейнингга” мазмунида ағдарилган. Қорақалпоқ тилида “қошшы”, “қошшым” сўзи иккинчи бир одамга мурожаат қилинганда “қошшым” деб мурожаат этилади, унда қисман кесатиқ маъноси ҳам бор. “Ўйланма” шеъри таржимасида ҳам шундай жузъий хатога йўл қўйилган. Масалан, “Қостарым деп, ерме соған” қатори ўзбекчага “Вафоси йўқ, сўзи ёлғон” деб таржима қилинган. “Қостар” бу қорақалпоқ тилида умр йўлдоши маъносида келади. Таржимада бу маъно чиқмаган, банднинг мазмунига унчалик ёпишмайдиган қатор ижод қилинган кўринади. “Оқибат” шеърдаги:

Ая дослар, тардур заман,
Басымдағы куним жаман –
мисраларининг ўзбек тилига қуйидаги мазмунда ўгирилгани бироз мавҳум.

Эй дўстлар, кўп оғир замон,
Бошга тушган кўпни ёмон.

Ёки “Айрилиқ” шеърдаги “Басыма тусип алаамат” деган қаторнинг “Бошингга тушди асли от” мазмунида ўгирилганидан қониқмадик. Асл нусхада “бошимга” дейилган, таржимада негадир “бошингга” бўлиб кетган. “Алаамат” билан “от” қофиядош бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг мазмун моҳияти ўзаро ўхшамайди.

Кўрдингизки, қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига ўгирилган Бердакнинг “Халқ учун” шеърини тўпламида жузъий нуқсонлар бор. Лекин улар мазкур китобнинг умумий баҳосини сира пасайтира олмайди, таржимоннинг ижодий меҳнатини инкор қилишга қодир эмас. Бердак асарларининг ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилганига кўп йиллар бўлди. Бугунги ўзбек китобхони Бердак асарларининг янги таржималарини кутаётгани ҳам бор гап. Муҳлисларнинг мана шу чанқоғини ҳисобга олиб, Э.Очиловнинг Бердак шеърларининг янги таржималарини яратгани фақат таҳсинга лойиқ, деган фикрдамыз.

Хулоса қилиб айтсак, Бердак асарларининг узок ва яқин йиллардаги ўзбек тилига таржималари, уларнинг муаллифлари, хусусан, моҳир таржимон Эргаш Очилов фаолияти мисолида ўзбек ва қорақалпоқ, қорақалпоқ ва ўзбек адабий алоқалари ривожланиб бори, икки адабиёт ҳам таржима асарлари билан бойимокда.

Адабиётлар

1. Бердак. Танламалы шығармалары. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1987, 78-б.
2. Бердак. Халқ учун. Шеърлар. –Тошкент: “Ижод-принт,” 2021, 16-б.
3. Миртемир. Асарлар. 4 жилдлик. 3 жилд. –Тошкент: 1982.
4. Гачециладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. –Москва: 1980.
5. Курбонбоев Б. Бердак ижоди. –Тошкент: “Фан”, 1977.
6. Мамбетов К. Ўзбек ҳам қарақалпақ әдебий байаныслары. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1992.
7. Таржима санъати. 5-китоб. –Тошкент: 1980.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Бердак шеърятининг ўзбек тилига таржималарида асл нусха поэтик руҳини, шакл ва мазмун уйғунлигини, миллий колоритини беришдаги таржимон маҳорати, айрим ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются примеры перевода поэзии Бердаха на узбекский язык и мастерство переводчика: в передаче поэтического духа оригинала, соответствии форм и содержания стихотворений, национального колорита, а так же, некоторые недостатки допущенные в переводе.

SUMMARY. The article deals with the translator’s mastery in transmitting the poetic spirit, national character of the original work, the correspondence between the forms and content, as well as some achievements and shortcomings in translations of the Berdakh’s poetry into the Uzbek language.

ХОРАЗМ ХАЛФАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

Н.Э.Сабиров – *филология фанлари доктори (DSc), доцент*

Хоразм вилояти ХТХҚТУМОҲМ

Таянч сўзлар: халфа, халфачилик, халфа қўшиқлари, Хоразм халфалари, халфачилик санъати, қиссахон-қироатхон халфалар.

Ключевые слова: халфа, халфачилик, халфские песни, хорезмские халфы, искусство халфы, қиссахон-қироатхон халфы.

Key words: khalfa, khalfachilik, khalfa songs, Khorezm khalfas, khalfa art, kissahon-qiraatkhan khalfas.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Хоразм халфачилик санъатига қизиқиш анча кучайди. Бу даврга келиб халфа қўшиқлари, умуман халқ орасидаги қўшиқларни ёзиб олишда мусиқа фольклоршуносларининг ҳам хизматлари катта бўлди.

“Ўзбек халқ музикаси” рукнида чоп этилган китобларнинг VII, VIII, IX жилдларида халфа қўшиқларининг катта бир қисми қуйлари билан ёзиб олиниб, китобхонларга тақдим этилди [13].

Ушбу рукннинг давоми сифатида 1978 йилда нашр қилинган китобда ҳам халфа қўшиқларининг энг яхши намуналари матнлари нота ёзуви билан бирга эълон қилинган. Улар орасида Ожизанинг “Арка қизлар чакқонлашинг”, “Эй дилбарим”, “Ёдингда йўқманми магар”, “Қалбим у ёнади”, “Галмади-галмади” каби қўшиқлари берилган. Шунингдек, ўндан ошиқ турли қўшиқлар куйлари билан биргаликда чоп этилган [2].

1971 йилда чоп этилган О.Собировнинг монографиясида ҳам Хоразм халфаларидан иккитаси тилга олинади. Улардан бири Саодат халфа Худойберганова 1905-1972 бўлиб, мазкур халфа Ҳазорасп шаҳарчасида яшаган. Ундан Н.Сабуров 1956-1961 йиллар мобайнида юзлаб қўшиқларни ёзиб олган. Уларнинг барчаси Ж.Қобулниёзов чоп эттирган “Хоразм халқ қўшиқлари” мажмуасига киритилган. Қўшиқлар орасида анъанавий ашулалар билан бирга замонавий термалар ҳам анчани ташкил этади.

Иккинчи халфа Ҳазорасп шаҳарчасида яшаган Махфира Собирова (1909-1966) бўлиб, ундан Н.Сабуров 1916-1965 йилларда кўплаб қўшиқларни, “Илон куйруғи ва фарзанд “доғи”, “мард йигит”, “подшонинг уч ўғли”, “Тўрабек хоним” каби эртақларни, “Бахром ва Гуландом” дostonидан парчаларни ёзиб олган. Махфира халфа ижодкор шоира сифатида танилган, замонавий қўшиқлар ва янги ёрлар яратиб тўй ва сайлларда куйлаб юрган. “Богимда ўсар гуллар” ва “Ой ойдиндир ёқтидир” қўшиқлари эл орасида кенг тарқалган.

О.Собиров ушбу халфаларнинг ижодий портретларини ярата олган [11].

Ушбу тадқиқот Хоразм халфачилик санъатини республика доирасида тарғиб қилиши билан муҳим илмий-амалий аҳамият қозонади.

Хоразм халфалари хусусида муайян маълумотлар берувчи яна бир тадқиқот этнограф олим Тўра Қиличевнинг “Хоразм халқ театри” асаридир. Унинг ёзишича, халфачилик санъатини ўрганиш ҳам ўзига хос мактаб услубига эга бўлган. Эски мактабда хат-савод чиқарган, билимга ихлосманд қизлар таниқли халфаларга 4-5 йил шогирд тушганлар. Улар шогирдлик даврида устозларидан тўй ва бошқа маъракаларда айтиладиган қўшиқ, дoston ва ғазалларни ўрганганлар. Халфалар шогирдларини ўзларига эргаштириб тўй-маракаларга олиб боришган, бирга куйлашган, рақсга тушишган. Шундай синовларда жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлган шогирдлар устозларидан фотиҳа олиб халфа номига эга бўлганлар [5].

Т.Қиличев ўз китобида XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган кўплаб халфаларнинг номлари ва репертуарлари ҳақида маълумот беради. Ўша халфаларнинг айримларининг номларини келтириш ушбу санъат турининг XIX аср охири XX аср бошларида фаол ривожланганлигини кўрсатади:

XIX аср охири XX асрнинг бошларида хивалик Шуқиржон халфа (1851-1950), Шарифа халфа (1900-1972), Жони халфа (1870-1920), Анаш Маърам (1882-1917), Бибижон халфа Қосимова (1875-1920), хонқалик Дурхоним халфа Қурбондарозова (1881-1936) Киш халфа Ҳасанова (1881-1948), Айитжон халфа Сафаева (1875-1955), Гулжон қори халфа (1874-1935), Ойша кулол халфа Искандарова (1880-1949), Ёқуб халфа Вафаева (1844-1914), Шарифа Нўғой Оташева (1892-1960), Ўғил Нўғай Қураёзова (1859-1949), Ёқут халфа Сейтнйезова (1903-1972) ва бошқаларнинг номи халқ орасида танилган эди [5].

“Хоразм халқ театри” монографияси муаллифи Хоним халфа Саидамак кизи фаолияти ҳақида ҳам яхшигина фикрларни баён қилади. Шу билан бирга шўро даври мафқурасига мос ҳолда тўқилган айрим далилларни ҳам ўртага ташлайди. У ёзувчи Жуманиёз

Шириповнинг “Хоразм” романидаги айрим лавҳаларга таяниб шундай фикрларни таъкидлайди: “Мухаммад Раҳимхон II (Феруз) Хонимжон халфа билан Момо Талмин халфани қопга солиб ичига мушукни ҳам тикиб, юз камчи урдиради. Бехуш бўлиб қолган халфаларни кигизга ўраб, аравада уйларига олиб кетишади” [5].

Жуманиёз Шарилов бу лавҳани бадиий асарида баён қилган. Шу сабабли воқеа тўқима бўлиши ҳам мумкин. Аммо бизга Хоним халфанинг чевараси, Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурёзов бутунлай бошқача маълумот беради: “Хонимжон момам 14-15 ёшларида араб, форс тилларини мукаммал билган. Бу қизнинг доврўғини ешитган хон Мухаммад Раҳим II –Феруз уни саройга ишга тақлиф этади ва ўзининг яккаю ягона қизи Чинни бикага мураббий қилиб тайинлайди. Кейинчалик хон саройининг бош халфаси этиб тайинлайди. 1875-1876 йилларда Феруз Хонимжонни ўзининг жияни Қутлигалдига тўй-томоша қилиб турмушга чиқаради” [6].

Ушбу хотиралардан кўринадики, Феруз Хонимжонни бош халфа қилиб тайинлаб, келин қилиб олади. Шундай маърифатли хоннинг юқорида келтирилган жазони қўллаши (яна ўз келинига) муғлақ асоссиздир. Хоним халфанинг ҳаёти ҳақида сўнгги йилларда ишончли тадқиқотлар яратилди [9].

Т.Қиличевнинг тадқиқотида Анаш халфа, Ожизалар ижоди хусусида ҳам яхши фикрлар билдирилган. Улар тайёрлаган шогирдлар репертуарига эътибор қаратилган. Ушбу монография ҳар жиҳатдан мукаммал далилларга эга. Бироқ, Шўро даври мафқураси унда ўз таъсирини яққол кўрсатиб туради. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки бу ҳолат ўша давр учун табиий эди.

Ҳ.Абдуллаевнинг “Халфалар репертуари ва фольклор алоқалари” мақоласи ҳам анча қизиқиш туғдиради. У халфаларни ижрочи ва ижодкор (шоира) халфаларга ажратади. Мақолада кўпроқ ўзбек ва қорақалпоқ халфалари алоқалари ва уларнинг репертуаридаги алоҳидаликларга эътибор қаратилади. “Қорақалпоқ халфалари репертуарида асосан қаҳрамонлик дostonларидан олинган қўшиқлар кўпчиликни ташкил этса, Хоразм халфалари ижро этадиган қўшиқлар кўпинча ишқий-лирик (ошиқлик) дostonларидан олинади” [1], деб ёзади муаллиф.

Шунингдек, мақолада Анаш халфа, Ожиза каби халфаларнинг репертуаридаги термалар таҳлил этилиб, Анаш халфанинг қорақалпоқ халфаларига таъсири хусусида сўз юритилади.

Халфалар ҳаёти ва ижоди хусусида С.Рўзимбоевнинг талайгина ишлари эълон қилинган. Унинг “Халқ дostonлари ва халфалар ижоди” [7] мақоласида Ожиза, Шуқур Оллақули кизи каби халфаларнинг индивидуал ижодига дoston қўшиқларининг таъсири масаласи ёритилади.

Фольклоршунос олимнинг “Хоразм дostonлари” [8] монографиясида эса халфалар ижоди анча кенг доирада таҳлилга тортилган. Дoston куйловчи халфалар репертуари, қиссахон халфаларнинг ижрочилик услуби хусусида сўз юритилиб, улар уч гуруҳга ажратилган. 1. Ижодкор шоира халфалар. 2. Ижрочи –созанда халфалар. 3. Дostonларни соз ва куйсиб қироат билан ўқиб эшиттирадиган халфалар. Бу тасниф юқорида қайд қилиб ўтганимиз Н.Сабуровнинг халфаларни икки гуруҳга ажратиб қилган таснифини яна бир йўналиш билан тўлддиради. Кейинги таснифда шоира-дostonчи халфалар алоҳида олинган. Чунки бу тоифага қирувчи ижодкорлар фақатгина санъаткор ашулачигина эмас, балки дoston матнларини тўла ўзлаштириб, уларнинг шеърий ва насрий қисмлари билан биргаликда бахшиёна услубда аёллар даврасида куйлай олганлар ва айни пайтда шоира сифатида ҳам танилганлар. Хоним

халфа, Анаш халфа ва Ожизалар ижоди бунга мисол бўла олади. С.Рўзимбоевнинг таъкидлашича, ушбу тоифага кирувчи санъаткорлар ҳозирда учрамайди. Шу сабабли Н.Сабуrow ҳозирги ҳолат юзасидан уларни санъаткор-ашулачи халфалар сифатида баҳолаган.

Ҳ.Абдуллаев эса халфаларни ижрочи ва ижодкор шоира тарзида икки гуруҳга ажратади. Қироатхон-қиссахон халфаларни ҳам ижрочи санъаткорлар каторига қўшади.

Умуман олганда, халфа ижрочилигини, уларнинг ижро йўналишларини тасниф қилиш мураккаб масала. Академик Т.Мирзаев С.Рўзимбоевнинг таснифига қўшилган ҳолда унда учинчи гуруҳга кирувчи халфаларнинг бадеҳағўйлик санъати чекланганлигига эътироз билдиради [3]. Ўз навбатида С.Рўзимбоев қироатхон-қиссахон халфаларнинг бадеҳағўйлик санъати масаласига бошқа бир тадқиқотида алоҳида эътибор қаратади [10]. Унинг таъкидлашича, қиссахон халфалар репертуаридаги дoston матнлари айнан бир хил эмас. Ҳар бир нусха ўзининг айрим томонлари билан муайян қимматга эга. Баъзи нусхаларда битта шеър банд уч хил тарзда намоён бўлади:

Эй Дастагул, савдо тушар бу сарга,

Келиб дурсан, ихтиёринг кетарга.

Бетаҳорат босмас оёғин ерга,

Озодалиқ мудом Шохсанамдадур. (Ниёзжон халфа варианты)

Эй, Дастагул савдо тушди бу сарга,

Келиб дурсан, ихтиёр эт, кетарга,

Бетаҳорат босмас оёғин ерга,

Мудом таҳорат Шохсанамдадур. (Онабиби халфа варианты)

Эй, Дастагул, савдо тушиб бул сарга,

Келибдурсан, ихтиёринг кетарга,

Бетаҳорат босмас оёғин ерга,

Мудом таҳорат Шохсанамдадур. (Шукур халфа варианты)

Ушбу парчалар таркибига киритилган ҳар бир янги сўз ёки таҳрир шеър маъносига таъсир қилмасдан қолмаган. Биринчи банднинг тўртинчи мисраси ҳар икки банддаги қараганда муваффақиятли чиққан. Иккинчи банддаги иккинчи мисра эса маъно жиҳатдан аниқлик қасб этган. Учинчи банд эса янгилик бера олмади.

Баъзи ҳолларда форсча, арабча сўзлар тушунарли шаклга ўтказилган:

Дастагул дер, аё Хилола пари,

Оти Ғариб, Ҳасан вазир писари. (Ниёзжон халфа варианты)

Дастагул дер, аё Хилола пари,

Оти Ғариб ҳусн элининг сарвари. (Розия халфа варианты)

Айрим бандлар эса шеър банд парчалар таркибидан тушириб қолдирилган.

Бинобарин, ҳар бир нусха бир-бирини тўлдириб, муайян қимматга эга бўла олади [10].

Демак, қироатхон-қиссахон халфалар ижрода ёзма матнга таянсаларда, китоблар маълум даражада ўзгаришларга эга экан. Бу ҳолат албатта бадеҳағўйлик масаласига бориб тақалади. Шу жиҳатдан олганда Тўра Мирзаевнинг эътирози ҳақ бўлиб чиқади.

С.Рўзимбоевнинг таъкидлашича, ушбу ўзаро фарқлар китобларни қўчирган иқтидорли котибларнинг ижодкорлигига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Тўра Мирзаев халфачилик, уларни ижро турларига қараб тасниф қилиш, халфа ансамбли, унинг

аъзоларининг вазифалари, қўшиқ репертуари хусусида “Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари” мақоласида ҳам анча батафсил маълумот беради. У С.Рўзимбоев қиссахон халфалар сифатида номлаган китоб ўқувчи аёлларни “Якка халфалар” номи билан атайди [4].

С.Рўзимбоев халфа шоирлар ижодини тўплаш ва нашр қилиш ишларини ҳам амалга оширди. 1987 йилда Ожизанинг шеърлари икки босма тобоқ ҳажмида “Хуршиди жаҳон келди” номи остида чоп этилди [15]. Натижада шоира халфа ижодини тадқиқот этишга йўл очилди. Қолаверса, эълон қилинган шеърлар ёш халфалар репертуарини бойитди.

Хоразм халфачилигининг XX аср бошларидаги фаолияти ҳақида тарихчи олим О.Собиров асарларида ҳам анча тузук ёритилган [12]. Унинг китобида Анаш халфа ва унинг гармончилар ансамбли, Сорахон Оллоберганованинг театр санъатини ривожлантиришдаги жонбозликлари, Хўжайли шаҳрида яшаган Қутли халфа Саиджонованинг санъат соҳасидаги хизматлари аниқ далиллар орқали ёритилган ва уларнинг расмлари китобдан ўрин олган.

Хоразм халфачилик санъати Т. Жалоловнинг “Ўзбек шоирлари” китобида ҳам муайян таҳлилга тортилган [2]. Ушбу китобга Хоним сувчи, Шукур Оллоқули қизи, Онабиби Отажоновна –Ожизаларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берилиб, Ожизанинг бешта шеъри илова этилган. Бироқ, ушбу китоб ёзилган ва чоп этилган даврда юқорида номлари тилга олинган ижодкор халфаларнинг биографияси ва ижодий мероси тўла аниқланмаган, аксарият шеърлари топилмаган, топилганларнинг анчасини ўша даврда эълон қилиш имконияти ҳам йўқ эди.

Т.Жалоловни қўлидаги мўъжазгина материаллар ҳам қувонтирган бўлса керакки, кекса адабиётшунос “Ўзларининг юксак заво ва истеъдодлари билан санъатнинг кўп турларида из қолдирган бу улуғ оналарнинг ижодлари ўрганилмаган, дея таассуф билдиради.

Хоразм дostonлари мамлакатимиз мустақиллигидан кейингина нашр қилина бошлади. Шу сабабли халфалар репертуаридаги қўшиқларни дoston матнларига солиштириш имконияти йўқ эди. Бу эса айрим англашилмовчиликларнинг туғилишига сабаб бўлар эди. Дoston қўшиқлари таъсирида яратилган қўшиқлар ҳам учрайди, бироқ уларда жиддий ўзгачаликлар бўртиб туради. Бу ҳолатни Ожиза ижодида кузатиш мумкин. Ишимизнинг кейинги фаслларида бу масалага яна қайтамыз.

Бинобарин, Т.Жалолов келтирган намуналар бевосита шоира-халфадан ёзиб олинмаган. Шеърларни баён қилган унинг шогирди ва қизи эса бу борада янглишган бўлишлари табиий ҳолдир. Шукур халфадан бирорта ёзма манба қолмаганлиги ишни янада қийинлаштиради.

Хоразм халфачилиги бўйича тадқиқотлар орасида Г.Ёшжонованинг “Хоразм халфачилиги ҳақида қайдлар” [16] мақоласи ҳам қизиқиш туғдиради. Мақола муаллифининг ёзишича, халфалар қадимий маросим ва ибодат қуйларинигина эмас, балки энг қадимий “лазги” йўллари ҳам ўзларидан кейинги авлодларга етказишда катта рол ўйнаганлар. Тадқиқотчининг ушбу фикрида муайян ҳақиқат ётади. Негаки, машҳур Анаш халфа “Лазги” ижросини энг юқори савияда ўйнай билган. Халфа ансамблларида профессионал қайроқчи раққосаларнинг иштирок этиши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Ҳ. Халфалар репертуари ва фольклор алоқалари. // Адабий мерос, 1982, №2. 30-37-б.
2. Жалолов Т. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1980. 223-237-б. (344)
3. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –Т.: “Фан”, 2008. –С.30.
4. Мирзаев Т. Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари. // Ўзбек фольклори очерклари. I том. –Т.: “Фан”, 1988. 16-17-б.
5. Киличев Т. Хоразм халқ театри. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1988. 114-115-б. (182)
6. Қурёзов Т. Нотекис йўллар. –Т.: 2014. 3-4-б. (126)

7. Рўзимбоев С. Халқ дostonлари ва халфалар ижоди. // Адабий мерос. №2, 1984. 9-13-б.
8. Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. –Т.: “Фан”, 1985. 27-33-б. (96)
9. Рўзимбоев С. Хоним халфа ҳаётининг янги саҳифалари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017, №1. 84-87-б.
10. Рўзимбоев С. “Ошиқ” туркуми дostonларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари. –Т.: ТДПИ нашриёти, 1987. 21-24-б. (52)
11. Собиров О. Ўзбек совет фольклори очерки. –Т.: “Фан”, 1971. 109-115-б. (200)
12. Собиров О. Хоразм воҳаси театрлари 1917-1941 йиллари. –Т.: //“Адабиёт ва санъат”, 1991. 64, 88, 93, 105, 135.-б. (176)
13. Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам. –Т.: “Ғафур Ғулом”НМИУ, 2015. 135-б. (355) (Нашрга тайёрловчи: О.Пирматов)
14. Ожиза (шеър ва дoston). –Т.: “Golden Pages”, 2003. 89-б. (122)
15. Ўзбек халқ музыкаси, VII, VIII, IX томлар. –Т.: Бадиий адабиёт нашриёти. 1959. –62 йй. (590)
16. Ўзбек халқи музыка мероси. –Т.: // “Адабиёт ва санъат”, 1978. (154)
17. Хуршиди жаҳон келди. –Т.: //“Адабиёт ва санъат”, 1987. (Ожиза шеърларини тўплаб нашрга тайёрловчи: С.Р.Рўзимбоев)
18. “Ошиқнома”, I китоб. –Урганч: “Хоразм”, 2006. 161-б. (454)
19. Эшжоновна Г. Хоразм халфачилиги ҳақида қайдлар. // Хоразм фольклори. –Урганч, УрДу нашриёти, 1999. 47-49-б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Хоразм халфачилик санъатининг Республика доирасида тадқиқ этилиши айтиб ўтилган. Уларнинг ижоди ва ижрочилигининг адабиётшунослик билан уйғунлашган томонлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мусикашуносликда ўрганилиши масалалари ҳақида ҳам сўз юритилади. Ушбу қадимий санъатининг йўналишлари, халфаларнинг дostonчилик ва кўшиқчилик санъатида тутган ўрни ёритиб берилади. Мақолада Хоразм халфачилик санъатининг тадқиқ этилиши хусусида кенг маълумот берилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье упоминается изучение хорезмийской каллиграфии в пределах республики. Показаны аспекты их творчества и исполнения, гармонирующие с литературой. Также обсуждаются вопросы обучения музыковедению. Освещаются направления этого древнего искусства, место халфы в искусстве эпоса и пения. В статье представлена обширная информация по изучению искусства Хорезмского халифата.

SUMMARY. This article mentions the study of Khorezmian calligraphy within the republic. There is shown aspects of their creativity and performance, in harmony with the literature. The issues of teaching musicology are also discussed. The directions of this ancient art are highlighted the place of halfa in the art of epic and singing. The article provides extensive information on the study of the art of the Khorezm Caliphate.

LUQMON BO‘RIXON IJODIDA XARAKTER DINAMIKASI VA RUHIYAT MASALASI

M.Sadullayeva – assistent o‘qituvchi

Berdaq nomidagi Qoraqalpog‘ davlat universiteti

Tayanch so‘zlar: adabiy talqin, hikoya, janr, ijodkor dunyoqarashi, ruhiyat tahlili, badiiy mahorat, xarakter dinamikasi, ruhiy fojia, tasvir yo‘sini, badiiy umumlashma, shakl, ma‘no.

Ключевые слова: художественная интерпретация, рассказ, жанр, творческое мировоззрение, анализ психики, художественное мастерство, динамика характера, душевная трагедия, образность, художественное обобщение, форма, смысл.

Key words: literary interpretation, story, genre, creative outlook, psyche analysis, artistic skill, character dynamics, mental tragedy, imagery, artistic generalization, form, meaning.

Bugungi o‘zbek adabiyotida ko‘plab qalami o‘tkir ijodkorlar adabiyot olamida o‘z o‘rniga ega. Xususan, A.A‘zam, E.A‘zam, X.Do‘stmuhammad, N.Eshonqul, O.Muxtor kabi iste‘dod vakillari badiiy so‘zni qurol sifatida qo‘llab kitobxonga ibrat bo‘ladigan asarlarni yaratishgan. Yangilanayotgan adabiyotda turfa xil janrlaning rivojlanishi va takomilida so‘z san‘atining badiiy-estetik vazifasi ham o‘ziga xos. So‘zning poetik qonuniyatlari asosida go‘zal asarlar yaratayotgan yuqoridagi ijodkorlar orasida Luqmon Bo‘rixonning ham alohida o‘rni bor.

“Begimqul katta” hikoyasi bilan adabiyot ahliga tanilgan L.Bo‘rixonning birinchi hikoyalar to‘plami “Yalangoyoq” deya nomlanadi. Shuningdek, “Jaziramadagi odamlar” romani, “Sirli muallim”, “Quyosh hali botmagan” kabi bir qator qissalari bilan adabiyot olamida o‘z o‘rniga ega bo‘lgan ijodkor, ayniqsa, hikoya janrida ham barakali ijod qilgan. Uning “Xizr ko‘rgan yigit”, “Tun qatridagi shu‘la”, “Yalangoyoq”, “Tumor”, “Kutilmagan tashvish”, “Sinov muddati”, “Qo‘noq” va shu kabi hikoyalari bugungi zamonaviy o‘zbek adabiyotining chinakam badiiy-estetik yutug‘i hisoblanadi. Badiiy asarning eng xarakterli xususiyatlaridan biri shundaki, unda inson ruhiy olami butun murakkabliklari, ziddiyatlari, butun sehri bilan namoyon bo‘lsagina o‘quvchi diqqatini o‘ziga jalb eta oladi. Ruhiy olam tasviri esa, qahramon fikr-kechinmalari, o‘ylari, xayolot olami, tuyg‘ulari bilan aks etadi. Inson ruhiyatini ochish uchun ijodkorga katta mahorat kerak. Ruhiyat asta-sekin asardagi voqealar silsilasida takomillashib boraveradi. Yozuvchi mudomi «hayotning o‘zidan olgan zavqini, o‘z yurak dardini, hayajonlarini izhor etadi, o‘zi qalamga olgan hayot hodisalarini, personajlar qalbi va ruhiyatini murakkabligi, ziddiyatlari, chinakam nafosati bilan kitobxonga yetkaza oladi»

Luqmon Bo‘rixonning “Tumor” hikoyasidagi qahramon ruhiy olami manzarasi tasviri o‘ziga xosligi bilan diqqatni tortadi. “Ma‘lumki, san‘atkor to‘g‘ridan-to‘g‘ri hayotdan nusxa ko‘chirmaydi, balki unga haqiqatan o‘xshash qilib, yangi bir dunyo yaratadi, kashf etadi. Boshqacha aytganda, hayotiy haqiqatdan badiiy haqiqat yaratadi; hayotiy fakt va

hodisalarni o‘zining ruhiy laboratoriyasida «qaynatishi», ishlashi, sintezlashtirishi, ya‘ni tasavvuri, xayoli, orzusi, tajribasi, qalbi, tabiati, dunyoqarashi bilan boyitgan va muayyan g‘oyaga xizmat qiluvchi xarakterli va zaruriy detallarni, fakt va hodisalarni tanlagan holda tugallik kasb etgan (obrazli) badiiy hayotni yaratishi zarur; yaratganda ham bu hayot kitobxon ko‘z o‘ngida jonli va real, ishonchli va go‘zal, ta‘sirchan va yaxlit bo‘lib gavdalanishi shart, - degan edi H.Umurov [3:38]. Darhaqiqat, yozuvchining hikoyalarga nazar tashlaydigan bo‘lsak, oddiy turmushdagi voqealar, biz e‘tibor bermaydigan hodisalar, har kuni uchrab turadigan turmushdagi muammolarni badiiyat qonuniyatlari asosida ifoda qiladi. Shunisi aniqki, asardagi har bir inson turfa xil xulq-atvor va qiyofaga ega bo‘ladi. Voqealar silsilasi davomida qahramonlar qiyofasida o‘zgarish yuz beradi, odatda, bunga atrof-muhit va undagi hodisalar sabab bo‘ladi. Hajman kichik hikoya janrida ham inson obrazining kutilmaganda tub o‘zgarishini kuzatish mumkin. Jumladan, “Tokchadagi tumor” hikoyasi qahramoni To‘lqin fermer obrazida ana shu holat kuzatiladi [4], birgina voqea asar qahramonini butunlay o‘zga odamga aylantiradi. Hikoya ne-ne shonli, shavkatli, zafarli harbu zarblaridan ko‘ra nikohida birgina ayol bo‘lganligi bois tarixda yorug‘ nom qoldirgan saljuqlar sultoni Selem Ikkinchi va uning suyukli rafiqasi Duygu begimning go‘zal va buyuk muhabbati haqidagi muzey xodimasi tomonidan hikoya qilingan rivoyat bilan boshlanadi. Sulton rafiqasiga muhabbat va sadoqat ramzi bo‘lgan tumor taqdim qilishi va bu tumorni suyukli ayoli butun umri davomida avaylab asrashi, eri o‘lganda ham unga vafodor bo‘lib qolishi o‘sha jajjigina tabarruk tumorning sulton saroyining eng bebaho mulki, ilohiy muhabbatning timsoli sifatida yillar, asrlar bo‘yi ko‘z qorachig‘idek saqlanganligi, rivoyatning asosiy mazmunini tashkil etadi. Hikoya qahramoni To‘lqin fermer mahzun muhabbat haqidagi rivoyatdan ta‘sirlanib, uzoq mamlakatga aslida nima maqsadda kelganini ham unutgan edi. Butun xayoloti o‘sha go‘zal muhabbat qissasida edi. Aslida bu mamlakatga bir guruh tadbirkorlar bilan pishloq